O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 16 декабрь, чоршанба • № 97 (11.080) • Эркин нархда сотилади

ЭЪТИРОФ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ЭЪТИБОРИДА

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, ўтган ҳафтада Ж. Вашингтон университетида (АҚШ) Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Евросиё тадқиқотлари институти томонидан уюштирилган Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимини америкалик таниқли иқтисодчи, ўтиш даври иқтисоди бўйича ёзилган машҳур асарлар муаллифи, Ж. Вашингтон университети қошидаги Евросиё тадқиқотлари институти директори Жеймс Миллер очди. У ўз маърузасида «фалаж терапияси» сиёсатининг қатор янги мустақил давлатлардаги муваффақиятсизлиги бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш сиёсатининг асосий афзалликларини кўрсатди ва унинг Ўзбекистон шароитида қўлланилиши ягона тўғри қарор бўлди, деб таъкидлади. Ж. Миллер Президент И. Каримов асарида баён этилган ўтиш даврининг иқтисодий таҳлилига юксак баҳо берди. Унинг фикрича, давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон тажрибаси ва унинг иқтисодий тараққиётининг назарий асослари халқаро даражада муҳим аҳамият касб этади. Ислоҳотлар арафасидаги ноқулай бошланғич шароитлар ва кескин ижтимоий қарама-қаршиликлар силсиласида мамлакат аксарият янги мустақил давлатларга хос кескин иқтисодий тушкунлик, оммавий зиддиятлардан ўзини сақлаб қолди.

Машҳур америкалик сиёсатшунос, АҚШнинг етакчи «ақлий маркази» ҳисобланган «RAND Corporation» маслаҳатчиси П. Хензе маърузасида диққат-эътибор Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш стратегиясига қаратилди. Ўзбекистонни минтақадаги етакчи давлат сифатида баҳолашда унинг қандайдир сиёсий, ҳарбий ёки иқтисодий устунлиги эмас, балки умуман Марказий Осиё халқларининг осойишталиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш ишидаги юқори даражадаги масъулияти, МДҲда давлатлар устидан турадиган тузилмаларни қайта тиклашга, қўшни давлатларнинг суверенитети ва миллий мустақиллигини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишларга бўлган принципиал қаршилиги эътиборга олиниши таъкидлаб ўтилди.

П. Хензенинг фикрига кўра, И. Каримовнинг тўлақонли минтақавий интеграция ғоясининг ҳар тарафлама олдинга сурилишидаги ўрни шак-шубҳасиздир, унинг китобидаги Марказий Осиё тарихий мероси, шу минтақа халқлари тақдирларининг муштараклигига оид масалаларнинг чуқур англанилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Тақдимот маросимида, шунингдек, университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ж. Копкинса Ф. Стар нутқ сўзлади. У МДҲнинг айрим мамлакатларидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволни солиштирар экан, И. Каримовнинг улкан хизматларидан бири мамлакат давлат тизими тўла ишлашининг назарий лойиҳаси ва унинг амалда таъминланиши эканини таъкидлаб ўтди. Европа қайта тиклаш ва ривожланиш банки маълумотларида баён этилган Шарқий Европа ва собиқ СССРнинг 25та давлатидаги ички ялпи маҳсулот кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг барчасидан ўзиб, умумий рейтинг бўйича кўплаб МДҲ мамлакатларини ортда қолдириб, олтинчи поғонани эгаллади.

Евросиё тадқиқотлари институтининг профессори К. Менгес китобнинг сиёсий ислоҳотлар бобини таҳлил қилиб, муаллифнинг минтақа сиёсий ривожланишининг мантиқи ва унинг ўзига хос хусусиятларини очишдаги хизматларини айтиб ўтди. Ўзбекистоннинг Ғарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ билан муносабатларининг босқичма-босқич ривожланаётгани ва мамлакатдаги миллатлараро тотувликка эришилганлигининг алоҳида аҳамиятини таъкидлади.

Институтнинг бошқа профессори Ч. Эллиот замонавий дунёда стратегик хавфсизликни таъминлаш ва диний ақидапарастлик, халқаро терроризм ва наркотик моддаларнинг тарқалиб кетмаслигига қарши курашда Ўзбекистоннинг роли катта эканлигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, Президент Ислом Каримов китобида ҳарбий қурилиш, ҳарбий-сиёсий соҳада халқаро ҳамкорлик каби мавзу ва масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ч. Эллиот ўз маърузасининг сўнгида Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиётининг ички ва ташқи сиёси йўналишлари, аввало, ўз мамлакатининг миллий манфаатларига мос келади деб таъкидлади. И. Каримовни мамлакат Президенти сифатида фаолиятининг мазмуни ва характерини ўз мамлакатини инқироз ботқоғидан олиб чиқиб, фаровонликнинг таъминланишига эришган урушдан кейинги Германия канцлери К. Аденауэр фаолияти билан тенглаштирди.

«Жаҳон АА».

«Отабек нон» фирмаси жамоаси меҳнати мевалари-дан Оҳангарон туманидаги ўнлаб қишлоқлар аҳолиси баҳраманд бўлмоқда. Бу ерда ёпилаётган бўрсилдоқ нонлар ва турли хил нон маҳсулотлари пешма-пеш ўнлаб дўконларга етказиб берилмоқда. Новвойлар маҳсулот сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар, айни вақтда ҳажмини ва турини ҳам кенгайтиришяпти. Корхона ишчи-хизматчилари янги йил арафасида янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: илғор новвойлардан бири Наима Олловердиева иш устида; фирма магазинларининг бирида.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

МАЪРУЗАЧИ — ЎҚУВЧИ

ПСКЕНТ туманидаги фанлар бўйича ихтисослашган 7-лицейда талабаларнинг туман прокуратураси ходимлари билан ҳуқуқий мавзуда учрашуви бўлиб ўтди.

Лицейнинг 10-синф ўқувчиси, вилоят олимпиадаси ғолиби Ҳанифа Султонова «Конституция берган ҳуқуқ ва бурчларимиз» мавзуида маъруза қилди.

Туман прокурори М. Бегматов ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган Ўзбекистонда, айниқса, ёшларни ҳуқуқий билимдон қилиб тарбиялаш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида гапирди ва талабаларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Туман прокуратураси ва лицей маъмурияти ташаббуси билан уюштирилган учрашувнинг бадиий қисмида Гулнора Маҳмудова, Нилуфар Ҳайдарова, Зуҳра Мирзараимова, Муқаддас Абдулҳақова сингари аълочи талабалар она-Ватанга муҳаббат, ахлоқ-одоб мавзуларига оид шеърлардан ўқиб бердилар.

Самад ЙЎЛДОШЕВ.

ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ВИЛОЯТ ижтимоий таъминот бўлими тизимидаги ходимлар Республика Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида»ги фармони асосида кеча пенсия ва нафақаларни қайта ҳисоблашни ниҳоясига етказдилар.

Кўрсатилган ғамхўрлик туфайли, эндиликда вилоятдаги 295 минг нафар пенсионер ойига 816 миллион сўм ўрнига 979 миллион сўм, 50 минг нафақадор эса 70 миллион ўрнига 84 миллион сўм маблағ билан таъминланади.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲАМ ДАСТУРИЛАМАЛ

КУНИ кеча Тошкент туманининг халқ таълими бўлими биносида Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон — буюк келажак сари» китобини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда тумандаги барча мактабларнинг фаол ўқитувчилари, мураббийлар ҳамда мактабгача тарбия муассасаларнинг услубчилари иштирок этишди.

Муҳокамада 12-мактаб директори Раҳимжон Исматов, ўқитувчи Тўлаган Мираҳмедов ва бошқалар сўзга чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу асарнинг моҳияти буюклигини алоҳида қайд этишди. Айни пайтда мазкур китоб замонавий билимларни эгаллашда барча ўқитувчи ва ўқувчилар учун асосий дастуриламал бўлажаклиги таъкидланди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

300таси ХАРИДОРИНИ ТОПДИ

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларида давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг самарали усулларидан бўлган ким ошди ва биржа савдолари тобора кўпроқ уюштирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида саксон бешта шундай савдо ўтказилди. Уларнинг сал кам ярмида аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун ер участкалари сотиш учун қўйилди. Натижада 297та ер майдонлари ўз харидорини топди. Айниқса, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Қибрай, Юқоричирчиқ туманларида ташкил этилган ким ошди савдоларининг самараси яхши бўлди.

Собир МУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ ДЕГАНИ ШУНДАЙ БЎЛСА...

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида жойлашган 21-ўрта мактабга табиий газ қувурлари тортиб келинди.

Эндиликда мактабнинг 300 нафар ўқувчилари кенг, ёруғ ва иссиқ синф хоналарда ўқишмоқда.

Уларга бу қулайликни яратишда туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Норматов ва Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Шариф Эргашевлар бош-қош бўлишди.

Тумандаги 37-ўрта мактабга туман халқ таълими бўлими ҳамда «Жавоҳир-И» деб номланган кичик корхона ҳомийлигида ўтказилган газ қувурларидан табиий газ кела бошлади.

«Гулистон» корпорациясида жойлашган 13-сонли болалар боғчасида тарбия олаётган болажонларнинг ҳам шу кунларда қувончи чексиз. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки бу боғчада ҳам «зангори олов» ёна бошлади.

Латифжон МАНСУРОВ.

РАСМИЙ ТАШРИФ ОЛДИДАН

ЯНГИ БОСҚИЧ БЎЛАЖАК

15 декабрь куни республика Миллий матбуот марказида Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Молдово Республикаси Президенти Петру Лучинскининг 17-18 декабрь кунлари мамлакатимизга қилажак расмий ташрифи муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Молдовонинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Николае Осмокеску оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

— Мустақилликка эришгач, ҳар иккала мамлакатларнинг азалий алоқаларини дунё андозаларига мос равишда қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди, — деди жумладан Н. Осмокеску. — Кейинги пайтларда содир бўлаётган иқтисодий бўҳронлар ижтимоий тараққиётга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиб турибти. Шунинг учун давлатлараро алоқаларни ҳар томонлама кучайтириш ва ривожлантириш халқларимиз манфаатларига тўлиқ мос тушади. Хусусан, маҳсулотларни айрибошлашда экспорт ва импорт ҳажмини кўпайтириш, бож ва солиқ тўловларини икки тарафлама тартибга солиш ва бошқа ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш устувор йўналишлардир. Ҳозиргача тузилган ўзаро шартномалар ишлаб турипти. Бундан кейин биз ишбилармонлар, кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ва улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор берамиз.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар жаҳон оммасининг диққатини тортмоқда. Бу борада юртингиздаги ислоҳот жараёнларидан ибрат оладиган томонлар жуда кўп. Масалан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастури ёш истиқлолга эришган давлатлар учун намуна мактабидир.

Лўнда қилиб айтганда, икки томонлама ўзаро тенг манфаатдорликка асосланган алоқаларимиз мамлакатларимиз тараққиётида янги босқич бўлади.

Муродулла ҒАФУРОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

ОИЛА МАНФААТИ — ЭЛ МАНФААТИ

• *МАМЛАКАТИМИЗДА оила йили поёнига етмоқда. Бу йилнинг ҳаётимизда чуқур из қолдириши аниқ. Чунки, республикамизда оила манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий, маънавий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус дастур қабул қилинди.*

Ана шу дастур асосида жуда катта ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида вилоят дастурига мувофиқ кўплаб ишлар бажарилди. Куни кеча оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар вилоят дастурининг бажарилишини назорат қилиш комиссиясининг йиғилишида ўн бир ойлик якун муҳокама қилинди.

Мажлисни комиссия раиси — вилоят ҳокими маҳкамаси ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Файзиев бошқарди.

Йиғилишда дастурда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан катта ишлар қилинганлигига қарамасдан бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятларни тўлиқ ишга солиш, белгиланган тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўп иш қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Айниқса оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳамда оилаларнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кўзда тутилган қурилишлар ва ташкилий-тадбирий ишларни жадаллаштириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилиши зарур. Комиссия йиғилишида «Товоқсой» уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсида 550 ўринли ошхона, Қибрай туманидаги «8-Март» ва Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош» санаторийларида белгиланган қурилишларни назоратга олиш ва вақтида тугаллашни таъминлаш юзасидан тегишли идораларга топшириқлар берилди.

ПУЛНИ ҲИСОБЛАЙ БИЛИШ КЕРАК

• *ХАЛҚ хўжалигининг барқарор ривожланишида пул муомаласини тўғри ташкил этиш, айниқса, эмиссияга барҳам бериш, касса айланмаси режаларининг бажарилиши катта аҳамият касб этади. Буни, лўнда қилиб айтганда, киримнинг қайтими ҳам бўлиши керак, деб таърифлаш мумкин.*

Яқинда вилоят пул-кредит сиёсати комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида шаҳар ва туманлардаги 1998 йилнинг ўн бир ойлик якунлари чуқур муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят пул-кредит сиёсати комиссияси раиси, вилоят ҳокими маҳкамаси ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Файзиев бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоят бўйича касса айланмаси режаси ўн бир ойда 109,2 фоизга бажарилди. Эмиссия ҳажми белгиланган 16,2 фоиз ўрнига 12,2 фоизни ташкил этди. Қатор шаҳар ва туманларда нақд пул тушумини кўпайтириш, белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан сезиларли силжишга эришилди. Лекин, шу билан бирга-ликда, вилоятнинг бта шаҳар ва туманида нақд пул тушуми режаси бажарилмади. Айниқса, бу Ангрен шаҳри, Қуйичирчиқ, Бўка, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманларида сезиларли бўлди. Эмиссия ҳажми эса Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Қуйичирчиқ, Пскент ва Янгийўл туманларида юқорилигича қолмоқда.

Йиғилишда мазкур шаҳар ва туманларда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш ҳамда касса кирим режаси бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъмилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги айтилди.

Йиғилишда бундан ташқари бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу тўловларни амалга оширишда жойларда асоссиз узилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш юзасидан шаҳар ва туманлар пул кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига, банк ва солиқ идораларига аниқ топшириқлар берилди.

«ЎЗБЕКРАҚС»НИНГ «ШАЛОЛА»СИ

• *МАЪЛУМКИ, Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 1997 йилда шу масала юзасидан Республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди.*

Яқинда ана шу қарорга асосан «Ўзбекрақс» бирлашмасининг вилоят бўлими ҳам иш бошлади. Вилоят ҳокимининг қарорида «Ўзбекрақс» бирлашмасининг вилоят бўлимини шакллантириш, уни ҳар томонлама ривожлантириш, миллий рақс ва халқ ижодиётини кенг тарғиб қилиш, ёш истеъдод эгаларини бу санъатга кенг жалб этиш юзасидан қатор вазифалар белгиланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, бўлим низомида санъатнинг бу турини ҳар томонлама кенг ривожлантириш юзасидан жуда катта имкониятлар борлиги қайд этилган. Бу ташкилот ўз ҳисоб-китоб счетига эга бўлиш билан биргаликда мамлакатимиздаги ва ҳориждаги ҳамкорлар билан турли шартнома ва битимлар тузиш, ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочиларни жалб этиш, миллий рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу санъатга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, миллий маданиятимиз, қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ҳисларини юксалтириш, мустақиллик маънавияти ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга нафис завқ бағишловчи қўшиқлар замонавий ўзбек рақс мактабини ривожлантириш каби кўплаб вазифаларни амалга оширади.

Ўйлаймизки, бошланган бу хайрли иш вилоятимизда ҳам ўз ҳомийларини ва қўллаб-қувватловчиларини топади. Энг муҳими, мазкур бўлим шаҳар ва туманлардаги халқ истеъдодларини бу нозик санъатнинг сир-асрорларини тушунишга ва оммалаштиришга тўлиқ жалб этади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

20 МАМЛАКАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

БУ янги алоқа тармоғи ҳар томонлама ноёб ва ҳайратланарлидир. Умумий узунлиги 27 минг километрни ташкил этиб, у жаҳондаги шунча кўп мамлакатлар орқали ўтадики, уларни санаб саноғига етиш ҳам амри маҳол. Хитойдан Олмонияга тортилган бу алоқа йўли ўртадаги деярли барча давлатларни ягона қилиб бирлаштиради. Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Туркия, Украина, Польша, Олмония яқин келажакда ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишлари мумкин. Исташса бошқа мамлакатлар ҳам бу алоқа тармоғига уланадилар.

Бизнинг республикамиздаги барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси унга бирин-кетин қўшилмоқдалар. Ҳақиқатан катта халқаро аҳамиятга эга бўлган бу алоқа тармоғининг беқиёслигини кўз олдингизга тўлароқ келтиришингиз учун унинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтган қисмини қисқача таърифлашнинг ўзи кифоя бўлади.

Бунинг учун зерикарли бўлса ҳам бир нечта рақамларни келтирмоқчимиз. Тармоқнинг республикамизда ётқизилган қисми узунлиги 885 километрга тенгдир. Умуман эса 926 километр кабел ётқизилди. Бундай иш Ўзбекистон халқаро алоқа тармоқларида биринчи бор қўлланилди. Шу билан бевосита алоқадор иншоотлар қурилишига келганда шуни айтиш мумкин: деярли 40 километр узунликдаги телефон ер ости қувурлар тизими қурилди, 171та дарёлар, каналлар, жумладан, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Аму-Бухоро канали устидан олиб ўтилди, салкам беш юз жойда темир йўллар ва шоҳкўчалар устидан ўтказилди.

Республикамиз ҳудудида барча қурилиш-монтаж-созлаш ишлари маҳаллий бинокорлик ташкилотлари ҳамда мутахассислар томонидан амалга оширилди. Унда ўн иккита қурилиш жамоалари қатнашдилар, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, хўжаликлар, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳам ўз ёрдамларини аямадилар. Фақат кабел маҳсулотлари ва асбоб-ускуналарни Олмониянинг «Сименс АГ» фирмаси етказиб берди.

Шиша толаси кабели асосида ишлашга асосланган Транс — Осиё — Европа тижорат фойдаланиш магистралининг фойдаланишга топширилиши республикамиз алоқа тармоқларини замонавий рақамли алоқа тизимига ўтказиш масаласини ҳал қилиш, мамлакатимизда қурилаётган маҳаллий тармоқлардан самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Шундай қилиб, миллий алоқа тармоғи янги технологиялар негизида янгиланади, жаҳон телекоммуникациялар тармоғига уланади. Бу халқаро алоқа тармоғи жуда кўп замонавий хизматларни йўлга қўйиш имконини беради. Сўзлашишдан ташқари масофадан туриб ўқитиш, видеоконференциялар, тиббиёт телесеанслари ўтказиш, жаҳон банк тизимига қўшилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш мумкин бўлади. Миллий тармоқ қурилиши тугатилиши билан Ўзбекистон — Хитой алоқаси фойдалана бошлайди. У орқали Тошкент — Алмати, Тошкент — Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах алоқаси йўлга қўйилади.

Яқинда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ўтказган ҳамда шиша толали кабел асосида ишлайдиган Транс — Осиё — Оврупо алоқа магистралини тижорат фойдаланиш учун топширилишига бағишланган халқаро тантаналарда шулар ҳақида гапирилди.

Ҳамид СОБИРОВ.

МИЛЛИЙ ДАСТУР



КЕЛАЖАК — ёшларники. Бироқ, техника ва ақл-идрок асри бўлган XXI асрга кечаги куннинг эскирган ўй-фикрлари билан бориб бўлмайди. Бунинг учун эса Миллий Дастурда белгиланганидек, мактабларда ва бошқа билим масканларида ислоҳотларни изчил олиб бориш, ўқув даргоҳларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва ўқитишни самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Юкоричирчиқ туманидаги 22-мактабда бундай имкониятларни яратиш йўллари излаб топилмоқда. Сиз суратда кўриб турган компьютер синфида ўқувчилар ўз устозлари ёрдамида замонавий техника билан ишлаш сирларини ўрганмоқдалар.

Владимир ГРАНКИН олган сурат.

САНЪАТ ВА ЗАМОН

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Миллий истиқлол ва санъат» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда санъатшунослик соҳасида Марказий Осиёда ягона етакчи илмий муассаса мақомини олган мазкур институтда мусиқа тарихи, фольклор ва замонавий мусиқа, тасвирий ва амалий санъат, меъморлик, театр ва хореография, кино ва телевидение йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланиб, йирик илмий изланишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Институт олимларининг мусиқий мерос ва композиторлик ижодиёти, театр ва унинг назарий муаммолари, қадимшуносликнинг санъатга оид ноёб топилмалари, Шарқ тасвирий санъати ва замонавий ижод шакллари, мумтоз рақс анъаналари каби мавзулардаги илмий тадқиқотлари, айниқса, диққатга сазовор. Анжуманда институт тарихи ва мустақиллик йилларидаги фаолиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ҲОТАМТОЙЛИК КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?

МАЪЛУМКИ, бозор иқтисоди жаҳон андозалари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилади. Аммо олдиндан шартлашмай, истеъмолчининг харид қобилиятини пухта ўрганмай туриб, тайёр маҳсулотни дуч келган харидорга қўш-қўллаб бериб юбораверириш аввало ана шу корхонага, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зарар етказади.

Тошкент вилоятидаги Янгийўл агрофирмаси раҳбари А. Шукуров ҳамда бош ҳисобчи И. Ирбутаев ана шундай «хотамтой»лардан чиқиб қолди. Жамоа аъзолари катта меҳнат эвазига ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулот кўпинча насияга бериб юборилаверди. Ҳақини ундириш эса пайсалга солиб келинди. Натижада дебитор қарзлар қисқа муддат мобайнида 45,6 миллион сўмдан ошиб кетди, агрофирма молиявий қийин аҳволга тушиб қолди. Эндиликда А. Шукуров ва И. Ирбутаев қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермоқда.

Долзарб мавзу

— Корхона ва ташкилотларнинг бир маромда ишлашида ўзаро ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими мудири Бахтиёр Ҳасанов. — Айрим раҳбар ходимлар бу оддий ҳақиқатни тушуниб етишни истамаяпти. Ачинарлиси шундаки, хўжалик юритувчи субъектларнинг масъул ва мансабдор шахслари ўз вазифаларига нафақат совуққонлик билан қараяпти, балки юзага келган салбий вазиятдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга ҳам уринаётир.

Биргина мисол, Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ветеран» кичик корхонаси 1995 йил ёзида Челябинск вилоятидаги «Базис» корхонасига умумий қиймати 21 миллиард 380 миллион рубль бўлган консерва маҳсулотлари жўнатган. Шартнома бўйича эвазига ёғоч олиб келиш режалаштирилган эди. Аммо корхона раҳбари А. Капустин «Базис» вакили А. Хегайдан ёғоч ўрнига 1780 АҚШ доллари олди-ю, ўз фойдасига ўзлаштириб юборди. Аммо кўп ўтмай сир очилди ва у жиноий жавобгарликка тортилди.

Афсуски, жамоа ёки давлат ҳисобидан мўмай даромад орттиришга уриниш ҳолатларини кўплаб кузатиш мумкин. Вилоят прокуратураси идоралари томонидан йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида ўтказилган 119та текшириш натижалари ҳам қатор жиноий бепарволик ва мулкни талон-торож қилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Текшириш натижаларига кўра 86 шахс интизомий, 14 киши моддий, 796 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан хўжалик раҳбарларига 97та тақдимнома юборилди. Келтирилган зарарни ундириш учун хўжалик судларига 28та даъво аризаси берилди. Жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар бўйича эса 61та иш қўзғатилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб ишларига бепарволик билан қаралаётгани туфайли ўзаро қарзлар кўпаймоқда. Натижада корхона иқтисодий жиҳатдан ночорлашиб, ҳатто ўз ҳақини ундиришга ҳам қурби етмай қолаётир. Вилоят прокуратура идоралари ана шундай корхоналарга ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда. Ўтган ўн ой мобайнида корхоналарнинг 5106 миллион сўмлик қарзини ундириб бериш учун 67 даъво аризаси қўзғатилди ва уларнинг аксарияти судлар томонидан қаноатлантирилди.

Айни пайтда Тошкент вилоят ҳокимлиги қошида ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Комиссия томонидан вилоятдаги 11390 корхона ва ташкилотнинг дебитор ва кредитор қарзлари ҳисоблаб чиқилди. Кўрилган чоратадбирлар туфайли йилнинг учинчи чорагида умумий дебитор қарзлар 4,5 миллиард сўмга, муддати ўтган қарзлар эса 7 миллион сўмга камайди. Шунга қарамай, хўжалик юритувчи субъектларда ўзаро дебитор ва кредитор қарзлар миқдори ҳамон юқорилигича сақланиб турганлиги ачинарли ҳолдир.

Вилоятда дебитор қарзларнинг катта миқдори коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Вилоят ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш бирлашмаси бўйича умумий дебитор қарзлар шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 12075 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1 ноябрга келиб бу рақамлар ҳийла камайди. Бироқ бирлашма тузилмаларида қарзларни ундириш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти. «Тошвилоятгаз» бошқармасида ҳам ўзаро ҳисоб-китоб ишларига панжа орасидан қараб келинмоқда. Шунинг учун ҳам бошқарма бошлиғи А. Вакилов ҳамда бош ҳисобчи Н. Исмоилова маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Афсуски, ўзаро қарзларнинг кўпайишига Тошкент вилоятидаги йирик корхоналар ҳам «салмоқли ҳисса» қўшиб келмоқда. Вилоят прокуратураси Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси, Ўзбекистон Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Тошкент ГРЭСи, Олмалиқ Тоғ-металлургия комбинатини иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган «Тошвилоятгаз» бошқармасига 4051 миллион сўмдан зиёд қарзни тўлашга мажбур қилди.

Вилоятда тўлов интизомини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Банк, солиқ ва бошқа назорат идоралари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани табиий. Бироқ кўп ҳолларда хўжаликларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни йиғишгина асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бизнингча, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволи, қарзларнинг ўсиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниши, зарур чоралар кўрилиши лозим. Энг асосийси, шаҳар ва туманларда мазкур масала бўйича фаолият кўрсатаётган комиссиялар ишни тубдан қайта қурса, дебитор-кредитор қарзлар камайиши, бундан корхона ҳам, давлат ҳам фақат фойда кўриши аниқ.

Неъмат ДУШАЕВ.

АСКАР БЎЛИШ ЎЗИ БИР ШАРАФ

ЎЗБЕКИСТОН деб аталмиш қуёшли, қудратли диёрда яшаш, меҳнат қилиш, айниқса, бу мамлакатнинг Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун бахт.

БУГУН кучга тўлган, навқирон, ботир ва жасур ёшлар Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, гуллаб-яшнаши йўлида матонат ила ҳарбий бурчларини ўтамоқдалар. Улар давлатимиз чегараларида сергак ва ҳушёр турибдилар. Аҳамиятга молик улкан иншоотларни бунёд этишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар» дейилади Конституциянинг 52-моддасида.

Ҳа, айни кунларда Республикамизнинг барча туманлари ва шаҳарларида масъулиятли давр — ҳарбийга чақирув мавсуми ниҳоясига етди. Соғлом, бақувват, довюрак ва чаққон, давлат, эл-юрт осойишталиги йўлида ҳар қандай вазифани бажаришга тайёр ўғлонларимиз Ватан қучоғидалар.

Бекобод тумани мудофаа ишлар бўлимининг шахсий таркиби ҳам бутун-диққат эътиборни, барча тадбирлар йўналишини кузги чақирув жараёнини давр талаби асосида ўтказишга қаратган эдилар. Бўлимимиз хизматчилари ўз олдиларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда иш кўрдилар. Хизмат ёшига етган ўғлонларни йигитлик бурчларини адо этиш учун турли қисмларга хизматга йўлладик. Шу кунларда бекободлик бир неча юз нафар аскарлар Қуролли Кучлар сафида муқаддас вазифаларини ўтамоқдалар.

Шуни мамнуният билан айтамизки, ҳарбий қисмларнинг қўмондонлари номидан мудофаа бўлимимизга, аскарларнинг ота-оналарига ташаккурномалар келмоқда. Улар сиёсий ва жанговор тайёргарликларда эришаётган муваффақиятлари тўғрисида фахрланиб мактублар ёзишмоқда.

Биз бугун ўз қуролдошлари сафида аъло даражада хизмат қилган, бир неча бор ташаккурномалар олганлар номини ҳам тилга олиб ўтишни лозим

Мардлар қўриқлайди Ватанни

кўрдик. Камолиддин Рустамов (Мавлонов номли жамоа хўжалиги), Наврўз Пардабоев (Ойбек номли жамоа хўжалиги), Дилшод Ҳайдаров («Далварзин») ва бошқа юзлаб йигитлар ана шулар жумласидандир. Ватанга содиқ, ота-онанинг фахри, юртимизнинг бундай асл фарзандлари бор экан, давлатимиз чегаралари мустаҳкам, осмонимиз тинч, эл-халқимиз эса бой-бадавлат бўлаверади.

Мудофаа бўлимимиз Ватанимиздаги қатор ҳарбий қисмлар билан мустаҳкам алоқада иш олиб бормоқда. Бундан кўзда тутган асосий мақсад ота-оналар ўз фарзандлари қандай хизмат қилаётгани билан яқиндан танишиш, аскарларимизни маънавий-моддий томондан қўллаб-қувватлаш, улар руҳини кўтариш ҳамда ҳарбий ватанпарварлик ишини янада жонлантиришдан иборатдир. Бу йўналишда кутилган натижаларга эришмоқдамиз.

Аскарлар ва ота-оналар билан ана шундай учрашувлардан бири Навоий вилояти ҳарбий бўлинмаларидан бирида бўлиб ўтди. Тантанали митингда Бекобод тумани ҳокимининг бекободлик ҳарбий хизматчиларга мактуби ўқилди. Катта концерт дастури намойиш этилди. Дошқозонда ош дамланди. Ҳазил-мутойиба, кулги, ўйин авжига чиқди. Аскарлар ота-оналари билан рақсга тушдилар. Ватан, ота-она, меҳр-муҳаббат, садоқат, меҳнатни тараннум этувчи қўшиқлар куйланди. Бу узоқ эсимизда сақланадиган воқеалардан бири бўлиб қолди.

Ҳарбий хизмат чоғида йигитларимиз тафаккури кенгаймоқда, сиёсий қарашлари ўзгаряпти, юртига, ота-онага меҳри ошмоқда. Мустақил яшаш, ўқиш, ишлаш, ҳаёт кечиришни чуқур англаб етмоқдалар. Шунингдек, ҳарбий техникаларни бошқаришни мукаммал эгаллаб олишаётир. Касб эгаси бўлиб хизматдан қайтишмоқда. Энг муҳими, жўшқин ҳаётга, завқли турмушга тайёр бўлиб келаётганлари барчамизни ҳам қувонтиради.

Теран фикрли, чуқур мулоҳаза юрита оладиган, ҳар қандай масъулиятли топшириқни уддасидан чиқишга қобилияти бор, вафодор аскар йигит эшикни қоқиб ота-онаси бағрига кириб келса бу — бахт-иқбол, келажак, юртимиз тинчлиги.

Ҳаммани ана шундай қувончли кунларга етказсин. Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.

З. ЖЎРАЕВ,
Бекобод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи,
Т. УСМОНОВ,
журналист.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Соғлом турмуш тарзи — касалликларнинг олдини олиш демакдир. «Экосан» экология ва саломатлик жамғармасида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий семинарда шу ҳақда гап борди. Семинар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

Анжуманда республиканинг бир қанча вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, вилоят ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, олимлар, шифокорлар, экологлар, шунингдек, Тошкентда фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар вакиллари ва дипломатлар иштирок этди.

Семинар иштирокчилари ўз нутқларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида касалликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилаётганини қайд этишди. Аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган ислоҳотни амалга оширишда тиббиётнинг бу соҳаси устувор экани эътироф этилди. Касалликларнинг олдини олиш чоратадбирларининг амалга оширилиши кам харажат билан кераклі натижага эришиш имконини беради, тиббиёт ходимларининг ҳам, мижозларнинг ҳам бу масалага ёндашувини тубдан ўзгартиришга кўмаклашади.

Семинарда касалликларнинг олдини олишда турмуш маданияти, халқнинг санитария, гигиена, овқатланиш, хулқ борасидаги бой анъаналари асосида тарбия берилиши муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов нутқ сўзлади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ТЎРТИНЧИ ТАМОЙИЛ

...ЛОЛААРИҚ маҳалласида ногирон Хонлар Мамедов тўрт нафар вояга етмаган болалари билан яшайди. Аёли болаларини ташлаб, бошқа эрга тегиб кетган.

...Ҳайдарқул Омоновнинг беш нафар ёш фарзанди бор. Аёли нафақадор, Фурқат мавзесида туради.

...Сожида Галимардонова нафақага чиққанига кўп бўлган, кекса аёл. Тўрт нафар набира унинг қарамоғида қолган. Энг каттаси — 12 ёшда. Навоий маҳалласида истиқомат қилади.

...Мамет Рўзиевнинг хотини қамоқда, икки қизи ногирон, жами беш нафар фарзанди бор. Фурқат даҳаси 9-уй, 8-хонадонида яшайди.

Булар ночор оилалардир. Уларнинг катталари пенсия, болалари нафақа олишади. Лекин ҳозирги бозор шароитида ана шу даромадлар билан кун кечириш қийин, албатта.

Хўш, нима қилиш керак?

БУ ЎРИНДА давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг ночор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Фармони айни муддао бўлди. Унинг диққатга сазовор жойи шундаки, ёрдамни тайинлаш ҳуқуқи ҳамиша одамлар орасида бўлиб, улар билан бирга нафас оладиган маҳалла қўмиталарига берилди. Ким қандай яшаётганини оқсоқоллардан бошқа ким ҳам аниқ-равшан билиши мумкин.

— ЁРДАМ бериш ҳақида қарор чиқаришдан илгари мазкур оилаларни синчиклаб текшириш керак бўлади, — дейди оқсоқол А. Одилов. — Бу масала қўмитамиз қошидаги махсус гуруҳда кўриб чиқилади. Гуруҳ аъзоларидан бири ёки ўзим оиланинг уй-яшаш шароити билан танишамиз ва гуруҳ йиғилишида бу ҳақда ахборот берамиз. Шундан кейингина бир тўхтамга келамиз.

Синчиклаб текширишнинг боиси шундаки, давлат текинга пул бераркан, деб кучқуввати тўлиб-тошган, лекин ишлашни ёқтирмайдиган кишилардан ҳам ариза тушиб туради. Ҳеч қаерда қайд этилмайдиган даромадни яшириб мурожаат этувчилар ҳам йўқ эмас.

БИРОҚ, юқорида номлари қайд этилган оилалар каби қийналиб яшовчилар ҳар бир маҳаллада бор. Уларга қайта-қайта ёрдам кўрсатилмоқда. Моддий ёрдам миқдори йил сайин ошиб бормоқда.

Чунончи, Навоий маҳалласида 1996 йили жами 477250 сўм, 1997 йили 790000 сўм ёрдам пули берилди. Шу йилнинг 1 августигача эса кўрсатилган ёрдам миқдори 550300 сўмга етди.

Туман бўйича эса шу йиллар давомида 9.061.000 сўм, 13.507.125 сўм ва 8.449.223 сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

...ОММАВИЙ ахборот воситаларининг хабарлари билан танишар эканмиз, Ҳамдўстликдаги бир қатор мамлакатларда моддий ёрдам у ёкда турсин, ҳатто қонуний иш ҳақини ҳам бир неча ойлаб ололмай, ночор аҳволга тушиб қолаётган оилалар кўпайиб бораётганини сезиш қийин эмас.

Фармон ва ижро

«Труд-7» газетаси 1997 йил 16 май сонида Иваново вилоятининг Южа шаҳарчасидаги ночорлар ҳақида ёзар экан, одамлар муҳтожликдан ит ва мушукларни овлаб еб бўлишганини маълум қилади.

ОЛЛОҲГА шукрки, бизнинг мамлакатимизда халқнинг турмуши ҳақида ғамхўрлик биринчи ўринга қўйилган. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишида бу руҳ, бу ғоя ярқ этиб кўзга ташланиб туради.

Мана, бир мисол. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқида юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлади:

— Жорий йилда 1998 йилнинг бош вазифаси деб эълон қилинган оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича Давлат дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Оилаларнинг, аҳолининг ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан қандай аниқ-амалий ишлар қилинди?

Биринчидан, оилавий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини муҳофаза қилиш, оналик ва болалик ҳуқуқини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Умумхалқ муҳокамасидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси қабул қилинди.

Иккинчидан, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, оила аъзоларининг маълумот даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида ҳам ижобий силжишлар бор.

Учинчидан, оиланинг иқтисодий манфаатларини, бандлик даражасини таъминлаш, уй меҳнати ва турмуш шароитини яхшилаш чоратадбирлари кўрилмоқда.

Тўртинчидан, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда маданий манфаатларини таъминлаш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзА мухбирининг Миср Араб Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий билан суҳбатида икки мамлакат ўртасида ислоҳотларни ўтказиш жараёнидаги ўхшаш томонлар ҳақида ҳам сўз борган. Элчи МАР Президентининг ислоҳотлар фуқароларнинг турмуш шароитига салбий таъсир этмаслиги керак, деган фикрини келтириб, жумладан, шундай таъкидлайди:

«Ўзбекистонда ҳам аввал бошданоқ ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотлар давомида мамлакатингизда фуқароларни аниқ ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда ижтимоий барқарорлик мавжуд».

Ҳақиқатан ҳам кучли ижтимоий сиёсат бўлмаганида, уч-тўрт-беш бола билан қолган ногирон ота ёки бувининг аҳволи не кечар эди?! Шу туфайли ҳам ёшу қари: «Тинчлик-хотиржамлик учун, ёрдам-мадад учун, ғамхўрлик-меҳрибонлик учун Президентимиз Ислом Каримовга минг раҳмат!» — дейишмоқда.

Анвар АҲМЕДОВ.

ДЕҲҚОНГА ЭРК БЕРИЛСА,

ўзи бойийди, элни тўйдиради, мамлакатни обод қилади

ЗАНГИОТА туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил сабзавот етиштириш режасини 172 фоиз бажардилар. Ўтиш даври шароитларидаги қийинчиликларга қарамай улар ўз рўзғорларини бутлашдан ташқари хўжаликка ҳам қарийб 5 миллион сўмлик соф даромад келтирдилар.

Бунга қандай қилиб эришилди, деган саволимизга бошқарув раиси ҳам, бош ҳосилот ҳам «Бу — оила пудрати усулининг шарофати» дея лўнда жавоб беришди ва бу усулнинг афзалликлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

ИШЛАГАН ТИШЛАЙДИГАН ДАВР ЭНДИ КЕЛДИ

Раҳматжон АҲМЕДОВ, хўжалик бош ҳосилоти:

— ОИЛА ПУДРАТИ шундай усулки, бунда аввало ер ҳақиқий эгасини топади. Яъни хўжаликнинг суғориладиган экин майдонлари пудратчилар ўртасида тўғри тақсимланади. Ҳар бир оила ўз ишчи кучи ва бошқа имкониятларидан келиб чиқиб, қурби етадиган миқдорда ер олади. Шу ер унга бир йил муддатга шартнома билан бириктириб қўйилади.

Аммо «бир йил муддатга» деганимиз шартли маънода. Чунки, бизда ҳар бир пудратчи билан навбатдаги хўжалик йили учун алоҳида шартнома тузилади. Унда ерни экишга тайёрлашдан тортиб, то сўнгги ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган ҳар икки томоннинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилади. Шу боис бизда шартнома қонуний кучга эга бўлган асосий ҳужжат вазифасини ўтайди. Борди-ю бирор пудратчи ўзининг айби билан ишда пайсалласа, шартноманинг асосий шартларини бардош этса, кейинги йил учун у билан шартнома тузилмайди. Ери бошқа пудратчига бериб юборилади.

Тўғри, бу онда-сонда бир учраб турадиган ҳол. Аслида эса хўжалигимиз аъзоси бўлган пудратчилар ҳар йили бир ернинг ўзида яъни ўзларига шартнома билан бириктириб қўйилган бўлакда муқим деҳқончилик қилиб келишади. Демак, шу ер меники, ўзимнинг мулким, деб ихлос билан ишлов беришади, авайлашади, уни оздиришмайди. Асосан маҳаллий ўғит солишади. Яъни вақтида гўнглаб туришади. Гўнг эса етарли. Хўжалик фермасидан керагича олишаверади. Фақат ўзларини эмас, бошқаларни ҳам ўйлашади-да. Биз ҳам қараб турмаймиз. Айрим пудратчиларга экинлари талаб қилганда гўнг шарбати тайёрлаб берамиз. Бунинг учун фермада махсус мослама яратилган.

Маълумки, ўзбек деҳқонининг орияти кучли. Фақат қорин нафсини эмас, иззат нафсини ҳам ўйлаб иш қилади, уялиб қолмай дейди. Азалдан шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Экинини яшнатиш учун тинимсиз заҳмат чекади. Негаки, кимнинг қандай деҳқон эканлиги кузга келиб, хирмон уюлганда яққол кўринади. Ҳар қайси пудратчининг ёз бўйи қандай ишлаганини ана шу хирмон ойнадек акс эттиради. Даромади ҳам шунга яраша бўлади. Гап шундаки, илгаригидек, меҳнат ҳам, хирмон ҳам умумий эмас-да!

Бу йил хўжалигимизда сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 395 центнер бўлди. Бугунги шароитда бу анча юқори кўрсаткич. Умуман, бизда оилавий пудратчилар ўртасида ҳосилдорлик у қадар кескин фарқ қилмайди. Чунки, биз ҳамма пудратчига тенг қараймиз, бир хилда шароит яратиб берамиз. Фақат кўп йиллик тажрибага эга бўлган, қайси экинни қандай парвариш қилишнинг ҳаддини олган оилаларгина бироз юқори яъни 450 центнерга етказиб ҳосил олишади. Масалан, оилавий пудратчи Рихсибой Қорабоев ҳар йили 1,2 гектар майдонда карам, сабзи, помидор, ош лавлаги, қулупнай етиштиради. Заҳро Қаюмова оиласи 70 сотих, Тоир Маҳкамов оиласи эса 50 сотих ерда деҳқончилик қилади. Бу оилалар ҳар йили 100 минг сўмдан зиёд соф даромад кўрадилар.

Оила пудрати усулининг афзалликлари хусусида гап борганида масаланинг яна бир муҳим жиҳатини тилга олиш лозим. Бизда экинларнинг турлари бўйича ҳосилдорлик ҳамда топшириладиган ялпи маҳсулот ҳажми юзасидан илгаригидагидек, юқоридан режа белгилаб беришга бутунлай чек қўйилган. Энди ликда бундай қилинади: кеч кузда бригада бошлиқлари ўзларига қарашли оилавий пудратчилар билан маслаҳатлашиб, келаси йили қайси экиндан қанча экишларини аниқлайдилар ва идорага маълумот берадилар. Биз, бошқарув аъзолари уларни жамлаб, туман ҳокимлигига етказамиз. Демак, йил бошида пудратчиларга нисбатан «мана бу экиндан мана шунча ҳосил берасан» деган гап бўлмайди. Фақат экин пишганда идора вакили, бригада бошлиғи ва пудратчи ҳосил чўғини аниқлаб, хўжаликка қанча топширилишини икки томоннинг розилигига мувофиқ белгилашади.

Эсингизда бўлса, собиқ социалистик тузумнинг «Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди» деган шиори бўларди. Амалда эса унинг тескариси бўлиб, ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бирдек тишлайверарди. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтмоқчиманки, ишлаган тишлайдиган давр мана энди келди. Тадбиркорлик билан ишлаб, мўмай даромад олаётганлар қандини урсин!

ХЎЖАЙИН КАМАЙДИ, ИШ ЮРИШДИ

Ҳамидулло ШУКУРОВ, хўжалик бошқаруви раиси:

— ОИЛА ПУДРАТИ тўла қарор топгач, хўжаликни бошқариш тизими таркиби ҳам, услуби ҳам бутунлай ўзгарди. Энди идора раҳбарлари ва мутахассислар деҳқонларнинг кундалик ишларига аралашмай, фақат ташкилий масалаларни ҳал этиш билан банд бўладилар. Масалан, бош ҳосилот деҳқонларга уруғлик, ўғит, кимёвий дориларни вақтида ва керагича етказиб бериш, экини талаб қилган пайтда эса сув билан таъминлаш чораларини кўрадилар. Зарурат туғилганда фақат маслаҳат берадилар.

Хуллас, биз, раҳбарлар эндиликда ҳосилдорликнинг ташвиши билан овора бўлиб, вақт ўтказиб юрмаймиз. Бунинг ўрнига хўжаликнинг эртанги куни ҳақида ўйлаймиз, янги режалар хусусида бош қотирамиз.

Шундай бўлгач, идора штатида илгаригидек кўпчиликнинг ишлаши шарт эмас экан. Бир пайтлар шу хўжаликнинг бошқарув тизими 32 кишидан иборат эди. Ҳозир саккиз киши ҳамма ишни бемалол эплаяпти: раис, ҳосилот, иқтисодчи, бухгалтер ва яна уч киши. Сирасини айтганда, деҳқонга ортиқча хўжайиннинг кераги йўқ. Ҳақини вақтида олиб турса, ишини билиб қилаверади. Ҳатто, керак бўлса, раисга, ҳосилотга, иқтисодчига ўргатишга ҳам уқуви, тажрибаси етади.

Дастлабки хомчўтларга қараганда бу йил камида 5 миллион сўм соф даромад кўрамиз. Хўжалигимиз тарихида биринчи марта шундай натижага эришилди. Тўғрироғи, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб боряпти. Бу йил кузда 180 гектар ерга буғдой, 8 гектар майдонга пиёз ва 5 гектарга саримсоқпиёз экиб қўйганмиз. Бир қисм майдонларга эса эртаки сабзавот экинлари учун эгат олиб қўйганмиз. Худо хоҳласа, ниятимиз — келгуси йили соф даромадни икки-уч бараварга ошириш. Бу ҳавойи гап эмас. Деҳқонларимизнинг бугунги астойдил саъй-ҳаракатлари шундан далолат бериб турибди. Экин майдонлари сифатли шудгорлаб қўйилди. Лозим майдонларга керагича гўнг берилди. Суғориш шахобчалари тартибга келтирилмоқда. Уруғлик ва кўчат етиштириш тараддуди ҳам бошлаб юборилган.

Деҳқонларимизнинг эмин-эркин меҳнатидан келаётган миллион сўмлаб даромадни тўғри, ҳалол тасарруф этиш ҳам биз, раҳбарларнинг энг асосий бурчларимиздан бири. Деҳқон улушини олди-ку, дея буёғига шахсий манфаат устун қўйилса, ҳаром-хариж аралашса, даромад ҳар қанча мўмай бўлмасин, баракаси учади, хўжаликнинг рўзғоридан путур кетади, пароканда ликка юз тутилади. Биз буни тўғри тушуниб, даромадимизнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятимизни ривожлантиришга, қишлоқларимиз инфратузилмасини кенгайтиришга, бир сўз билан айтганда, ижтимоий масалаларни расамади билан ҳал этиб боришга сарфламоқдамиз. Жумладан, қишлоқларимизда табиий газ кириб бормаган хонадон қолмади. Аҳоли ичимлик сув билан ҳам юз фоиз таъминланган. Фақат айрим чекка овуллардагина ҳозирча артезиан қудуқларидан фойдаланишади. Аммо бу вақтинчалик. Келгуси йилдан бу масалани ҳам юз фоиз ҳал этамиз.

МУСТАҲКАМ ИШОНЧ

Президентимизнинг кўрсатмаларига мувофиқ деҳқонларимизни ҳақиқий мулк эгалари қилиш мақсадида хўжалик юритишнинг пайчилик усулини жорий этишни режалаштирмоқдамиз. Бироқ шундан сўнг ҳам иш юритишнинг оила пудрати усули сақлаб қолинади. Чунки, деҳқонларимиз шунга кўникишган, ҳаддини олишган. Аслида бу усул деҳқонларга чинакам эрк беради, ҳар бир оиланинг иқтисодий равнақ топишига хизмат қилади.

Мен ҳар сафар хўжалигимизнинг эртанги мавқеи ҳақида ўйлаганимда Президентимизнинг раҳбарлик масъулияти хусусидаги ибратли сўзлари ёдимга тушади. Жумладан, юртбошимизнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг саволларига жавобларида шундай фикр бор: «Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг яна бир муҳим шарти — бу мулк масаласини ҳал қилишдир. Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор... Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб, меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади». Менимча, қишлоқ хўжалигида ижара, оила пудрати, пайчилик усуллари рисоладагидек ташкил этилса, ҳар хил қинғир ишларга ортиқча имкон қолмайди. Каттами-кичикми, раҳбарлар фақат ўз манфаатларини кўзламай, халқнинг, оддий меҳнаткашнинг эртанги ҳаётини ўйлаб ишласалар, ҳамма бирдек тўқ яшайдиган кунлар яқинлашади. Бунга бизнинг хўжалигимиз каби ўнлаб, юзлаб меҳнат жамоалари мисолида аниқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ШИРИН СЎЗ жон озиғи дейишади. Оққўрғон соғломлаштириш марказида шифо топаётганлар буни ҳар куни ҳис этишмоқда. Бу ерда улар учун барча қулайликлар яратилган. Беш нафар малакали шифокор, 23 нафар ҳамшира беморлар хизматида. Айниқса, даволанувчилар Эркин Пирназаров, Бердимурод Чегабоев, Саҳобат Умбетова сингари дўхтирлар, Феруза Абилова, Мамлакат Оқбўтаева, Рашида Сайфулина сингари ҳамширалар хизматидан миннатдорлар. Мазкур масканда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун махсус хона ҳам жиҳозланган.

Суратда: дам олиш хонасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БАДИЙ ДАСТАЛАР ИМТИҲОНДАН ЎТДИ

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ бойишида мусиқа ва қўшиқ санъатининг ўрни ниҳоятда катта. Шу боис ҳам истиқлол йиллари ичида республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам бу соҳада ўзлигимизни танишга алоҳида эътибор берилмоқда. Миллий мумтоз ва эстрада қўшиқчилигини ривожлантириш мақсадида чиқарилган фармонлар, ҳукумат қарорлари ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Ўзбек санъатининг кенг равнақини кўзлаб ташкил этилган «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, хусусан, унинг Тошкент вилоят бўлими саъй-ҳаракатларида бу янада яққолроқ намоён. Фаолият кўрсатаётганига эндигина бир йил тўлишига қарамай нафақат вилоятимиз шаҳар ва туманларида, балки қўшни вилоятларда ҳам ўз санъатлари билан ҳурмат топаётган бўлим хонанда ҳамда созандаларини икки бадиий даста ўз бағрига олган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ҳаким Нишонов раҳбарлик қилаётган ашула ва рақс дастаси ва Бахтиёр Шокиров бошчилигидаги «Сарбон» гуруҳи ўтган қисқа вақт ичида дастурини ҳам, таржимаи ҳолини ҳам бойитди. «Сарбон» шу йили Жиззах вилоятида ўтган «Янги тароналар» кўрик-танловида мутлақ ғолиблик дипломини қўлга киритди.

Шу йилнинг 10 декабри куни «Ўзбекнаво» бирлашмасининг мутахассислари, шоир, драматурглар, машҳур хонанда ва созандалардан иборат комиссия бадиий дасталарни ўзига хос имтиҳондан ўтказди.

— Биз бунга анча пухта тайёргарлик кўрдик, — деди мулоқотимиз чоғида бирлашма вилоят бўлимининг директори Рамзиддин Икромов. — Дастуримиздан Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, инсоний меҳр-оқибатни улуғлаш, севгига содиқлик мавзуларидаги қўшиқлар мустаҳкам ўрин олди. Мумтоз қўшиқлар билан биргаликда ижро этиладиган рақслар янгиланди. «Сарбон» гуруҳи дастури замонавий эстрада қўшиқлари билан бойиди.

Камолот чегара билмас

Санъаткорларнинг ижрочилик маҳорати, ихтисосликлари бўйича билимлари, бугунги ўзгаришларни қай даражада идрок этишларини синовдан ўтказган комиссия аъзолари: бирлашма бадиий раҳбари Гулбаҳор Сулаймонова, кадрлар бошқармаси бошлиғи Ҳожиакбар Азимов, шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад, вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси Эркин Йўлчиев, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов ва бошқалар жамоалар тайёрлаган дастур асосида концертни томоша қилиб, уларнинг фаолиятини юқори баҳоладилар.

Айниқса, таҳлил чоғида ашула ва рақс дастасининг Собиржон Эшонбеков, Музаффар Тўлаганов, Бахтиёр Исажонов, Қаҳрамон Бобоқулов, Раъно Ўрозбоева, Нажмиддин Тўлаганов, Фазлиддин Турсунов каби хонанда ва созандалари, Тўлқиной Ўтешова, Шоиста Орипова сингари раққосаларнинг ижрочилик маҳоратлари алоҳида қайд қилинди. «Сарбон» гуруҳидан бундай эътиборга Юсуф Воҳидов, Азиз Ҳасанов, Фарҳод Саидов каби хонанда ва созандалар сазовор бўлдилар.

— Ҳар иккала бадиий даста ҳам ютуқлар олдида эсанкираб қолмаслигига ишонаман, — деди комиссия раиси Ҳожиакбар Азимов. — Шундай пайтлар келадики, улар хорижий мамлакатларга бориб ҳам ўзбек санъатини намоён этадилар.

Мулоқот сўнггида дастлар раҳбарлари, қатор қўшиқчи ва созандалар қимматли маслаҳатлар учун устозларга миннатдорчилик изҳор қилдилар ва вилоятимизда шу йўналишдаги санъатни янада ривожлантириш учун бундан буён ҳам изланишлари, ўз устларида ғайрат билан ишлашларини билдирдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

XXI АСР ЁШЛАРИ

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАН КЕЛАЁТИРМИЗ»

АЙНИ ПАЙТДА жаҳон миқёсида тўпланган фан-техникага хос илмий тажрибаларни ўрганмай туриб, ҳозирги ёшлар ўз иқтидорларини такомилига етказа олмайдилар. Буни яхши тушунган республикамиз ёшлари ҳам чет элларда таҳсил олишга алоҳида ихлос қўймоқдалар.

Хорижда ўқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун, аввало, илм-фаннинг бирон-бир йўналишига ўзгача меҳр қўймоқ керак бўлади. Иккинчидан, чет элда ўқиш учун ўзга тилларни билиш талаб этилади. Республикамиз Президентининг «Умид» жамғармаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган танлов ҳам ана шу вазифаларни адо этишда алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган ҳафтада олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда ана шундай тамойиллар ҳақида сўз юритилди. Унда республика олий ўқув юртларининг проректорлари, истеъдодли ёшлар билан ишлаш бўлимларининг раҳбарлари, чет тиллар ўқитувчилари, шунингдек, «Умид» жамғармаси ҳамда Американинг «Акселс» таълимга кўмаклашиш кенгаши вакиллари иштирок этдилар.

Мамлакатимиз раҳбарияти халқ хўжалиги, фан ва техниканинг турли тармоқларида келажакда ишлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш учун хайрли саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 317 нафар йигит ва қизларимиз АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Франция, Япония ҳамда жаҳоннинг бошқа ривожланган мамлакатларига юборилди. Ўқишни тугатганларидан сўнг улар бакалавр ва магистрлик унвонларини оладилар.

Хорижий давлат шаҳарларида пайдо бўлаётган ёшларимиз тенгдошлари билан мулоқотда бўлганларида фахр билан «Биз Ўзбекистондан келаётирмиз» деб айтмоқдалар. Ўз ўрнида улар она диёримизни хорижликларга таништириш борасида ҳам хайрли ишлар қилмоқдалар. Шунингдек, XXI асрда ўз мамлакатларининг истиқболи ва буюк бунёдкорликлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилмоқдалар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган семинар-кенгаш қатнашчилари замонавий махсус фанлар, чет тилларни ўрганиш борасида ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ҳозир йўлга отланаётган ёшларимиз билан ҳадемаёқ — XXI аср бошларида фахрланишимиз мумкин бўлади. Шундай кунлар узоқ эмас.

ЧАНГАЛЗОР — БОШПАНА ЭМАС

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Камбоджанинг сиёсий ва давлат тизимларига тааллуқли масалалар неча бор муҳокамадан ўтган. «Қизил кхмерлар» муаммоси ана шундай «газак олган яра»лардан бири эди. Камбоджа парламент ва давлат бошлиқлари сайловлари ниҳоясига етгач, бу муаммога тегишли гап-сўзлар яна кўтарилиб қолди. Аммо, Камбоджа ҳукумати Таиланд чегараси яқинидаги чангалзорларда яшириниб ётган «Қизил кхмерлар» ҳаракати йўлбошчиларини қўлга олиш учун кўп маблағ талаб этиладиган тадбирларни амалга оширмаслигини маълум қилди. Мамлакат ахборот вазири Лу Лайсренгнинг маълум қилишича, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун катта маблағ керак. Бундай вазиятда сарф-ҳаражатни ошириб юбориш мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан бир неча кун аввал «Қизил кхмерлар»нинг 500 нафар жангчиси чангалзор — бошпана эмас, деган шиор остида ҳукуматга таслим бўлган эдилар. Қуюқ ўрмонзорлардаги муваққат масканларда яшириниб ётган «Қизил кхмерлар» ҳаракатининг йўлбошчилари Нуон Чеа, Та Мок ва Кхиен Самфанлар бу ақидани тан олишни истамаётирлар. Улар ўз халқига қарши жиноят қилгани учун ўлим жазосига ҳукм қилинган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ЎТГАН ҲАФТА охирида Россия Федерацияси президенти Борис Ельцин мамлакат конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан халққа мурожаат қилди. У асосий қонун — конституция, мамлакат истиқболи, халқ турмуш тарзи хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

● ЯҚИНДА Швецияда Шимолий Кенгаш ташаббуси билан «Болалар анжумани» деб аталган йиғин ўтказилди. Унда болалар ҳуқуқини ҳимоя этиш, улар иштирокида содир бўладиган жиноятлар олдини олиш, гиёҳвандликка қарши кураш, ўсмирларнинг кундалик турмуш тарзи сингари қатор муаммолар муҳокама қилинди.

● ЯҚИНДА Франциянинг НАТОнинг Женевадаги ваколатхонасида ишловчи фуқароси Венсан Каштель Чеченистон асирлигидан озод этилди. У 319 кун тутқунликда бўлганидан сўнг эркинликдан баҳраманд бўлди.

● АҚШ СЕНАТОРИ — демократ Кристофер Додд Фидель Кастро билан учрашганидан сўнг Америка ва Куба муносабатларида янги давр бошланадиган фурсат келди, деб айтди.

● ИНДОНЕЗИЯНИНГ собиқ президенти Сухарто мамлакат бош прокуратурасига сўроқ қилиш учун чақирилди. У ўзи ва оила аъзолари қўлида тўпланган бойликлар тўғрисида маълумотлар берди.

ОРОЛЛАРДА ЯНГИ МОЖАРО

КОМОР оролларида бир неча йилдан буён айирмачилик ҳаракатлари давом этиб келмоқда. Яқинда бу жараён яна авж ола бошлади. Шу муносабат билан Африка Бирлиги Ташкилоти бу ерга минтақавий текширувчилар гуруҳини жўнатишга қарор қилди. Унга Жанубий Африка Республикаси вакили бошчилик қилади.

ЖАР ташқи ишлар вазирлиги баёнотига қараганда, мазкур гуруҳ можаролар пайдо бўлган жойларда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан музокаралар олиб боради-лар. Текширувчилар таркибига Мадагаскар, Маврикия, Мозамбик, Танзания ҳамда Кениядан аъзолар киритилди.

Ўтган йилнинг август ойида Анжуан ва Моҳели оролларида мустақиллик эълон қилиб, федерация таркибидан чиқишга ҳаракат қилган эдилар. Комор оролларида марказий ҳукумати ва халқаро ҳамжамият бу ҳаракатларни қоралаб, айирмачиларни можарони тинч йўл билан бартараф этиш борасида музокара ўтказишга чорлаган эдилар. Шундан сўнг вазият бир қадар барқарорлашгандек бўлди. Лекин, кейинги кезларда Анжуан оролида бундай ҳаракатлар яна кучайди. Айирмачилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб турипти. Сафарга отланган текширувчилар гуруҳи саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бериши мумкин, деб кутилмоқда.

КОИНОТГА «КЕЛИН» ТУШДИ

БЕПОЁН ва тубсиз коинотни ўрганиш муддаолари инсони ҳеч қачон тарк этган эмас. Яқинда бу борада янги қадам қўйилди, дейиш мумкин. Гап 400 километрга яқин баландликда бунёд этиладиган Халқаро Космик Станция хусусида бормоқда. Уни яратиш учун 15 давлат — АҚШ, Россия, Канада, Япония, Бразилия, Аргентина ва яна ўн мамлакат мавжуд имкониятларини бирлаштирдилар.

Шу йилнинг 20 ноябрида Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан учирилган Россиянинг «Заря» модули дебоча бўлди. 4 декабрь куни эса АҚШнинг Флоридадаги Кеннеди номли космик марказидан «Эндевор» фазовий кемаси парвоз қилди. У «Заря» ёнига «Юнити» деб аталган АҚШ модулини олиб чиқди. Шундан сўнг Р. Кабана, Н. Карри, Ж. Росс, Ж. Ньюмен, Ф. Стерко ҳамда С. Крикалёвлардан иборат фазогирлар гуруҳи ҳар иккала модулни бирлаштириш ишларини адо этдилар. Бундай мушкул тадбирнинг амалга оширилганлигини жаҳон оммавий ахборот воситалари хурсандчилик маъносида «коинотга «келин» тушди», деб баҳоладилар.

Коинот «келини»нинг сеплари ҳам ўзига яраша. Станция қуриб битказилганда оғирлиги 450 тоннадан зиёд бўлади. Унинг узунлиги 106, кенглиги эса 87 метрга етади. Унда ўрнатилган қуёш иссиқлик жиҳозлари ярим гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди.

Ўтган кунлар давомида фазогирлар уч бора очиқ космосга чиқиб, «Заря» ва «Юнити»ни бирлаштириш ишларини бажардилар. Космик Халқаро Станцияни тўлиқ қуриб битказиш 2004 йилда ниҳоясига етади. 2000 йилнинг январидан бошлаб эса станцияда одамлар яшай бошлайдилар.

«Эндевор»даги фазогирлар бугун Ерга қайтиб тушадилар.

ОЛИШУВДАН КЕЛИШУВГА

ХИТОЙ билан Бутан мамлакати ўртасида чегараларга тааллуқли жанжаллар худудий даражада бўлса ҳам чиқиб турар эди. Яқинда ҳар иккала давлат ўртасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Томонлар, шунингдек, иккала мамлакат ўртасидаги мавжуд барча муаммоларни музокара ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилишга келишиб олдилар.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

900 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЗР

АЙНИ кунларда қатор араб мамлакатлари пойтахтлари кўчаларида вайронагарчилик, босқинчилик ва зўравонлик учун кечирим сўраётган овруполикларни учратиш мумкин. Жиддий равишда ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилаётган бу йўловчиларни одамлар, аввало, жосус, дарвеш ёхуд шунчаки девона деб ўйладилар.

Ҳақиқат кейинроқ маълум бўлди. Гап шундаки, 1996 йилда Францияда «Тотувлик марши»га асос солинган эди. Бу ҳаракат сафлари тез орада Америка, Оврупо мамлакатлари, шунингдек, Австралия ва Жанубий Африка Республикасидан келган вакиллар билан тобора тўлиб борди. Уларнинг қарийб барчаси ўзини ўтмишда бўлган салб юриши иштирокчисининг авлоди, деб ҳисоблайди. 1996 йилдан бошлаб юриш аъзолари турли мамлакатларда бўлишиб, ўз аждодларининг «нотўғри ҳатти-ҳаракатлари» оқибатида жабр кўрган халқлардан кечирим сўрай бошладилар. Ўтган йили мазкур ҳаракат вакиллари Туркияда бўлиб, бир маҳаллар Константинополь (Истанбул)ни ишғол қилган бобокалонлари учун расман узр сўраган эдилар. Бу йилги юриш эса Яқин Шарққа қаратилди. Янги «салб юриши»нинг иштирокчилари келаси йил Қуддусга боришни режалаштирмоқдалар. 1999 йилда бу муқаддас шаҳарнинг босиб олинганига роппа-роса 900 йил тўлади.

«СОАТ ЖИННИСИ» МИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНДИ

АМЕРИКА фуқароси Бад Гольдманнинг барча молдунёси ихтиролар оқибатида орттирилган эди, дейиш мумкин. Лекин, у ихтиро билан бекиёс катта даромад орттириш мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Воқеа тарихи қуйидагича бўлганди. Сеулда олимпиадага неча кун қолганини кўрсатиб турувчи қурилмани, кейинроқ эса космодромда ракета кўтарилишига неча сония вақт қолганини билдирадиган қурилмани қурғач, Б. Гольдманнинг осойишталиги бузилди. У туғилган кунга ёки бирор муайян воқеа содир бўлишига қанча вақт борлигини аниқлайдиган соат яратди. Лекин, соатлар билан иш юришмади. Чунки, ҳар бир муайян воқеа учун алоҳида соат ясаш серҳаражат иш бўлиб, буюртмалар эса кам тушарди. «Соат жинниси»нинг хаёлига ўшанда бошқача фикр келди. У соатларни янги мингйилликка қанча вақт қолганини кўрсатадиган қилиб созлади ва уларни «Минг йиллик соати» деб атади. Тез орада харидорлар шу қадар кўпайдики, Б. Гольдман соат ясаб улгурмай қолди. Ҳозир 2000 йилнинг 1 январигача қанча вақт қолганини кўрсатиб турувчи соатларнинг бир ярим миллионтадан кўпроғи сотувга чиқиб кетди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Китоб ва мактаб

«БАЗАБОНИ МОДАРИАМОН МЕҲОНЕМ»

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти республикамиз тожик мактаблари учун дарслик китоблар ва бошқа дастурларни етарли миқдорда нашр этмоқда. Масалан, бугунги кунда 6-10-синфлар учун алгебра, жўғрофия, кимё, техникавий графика, информатика, атроф муҳит билан танишиш каби китоб ва дастурлар босмадан чиқди. Бу дарслик ва қўлланмалар пухта ишланган бўлиб, полиграфия саноати ривожланган мамлакатлар махсулотидан қолишмайди.

Масалан, «Атроф муҳит билан танишиш»ни олайлик. Бу китоб Ўзбекистон тожикларининг машҳур ва севимли шоири Паймон шеъри билан очилади:

Гўзал таронасан, Ватан,
Шодликка хонасан, Ватан.
Қуёшу ой, она мисол
Тенгсиз ягонасан, Ватан!

Китоб муаллифи ва ноширлари ёш китобхонларга мурожаат этиб, айтадилар: «Мустақил Ватанимизнинг сиз ёш авлоддан умиди катта. Зеро, сиз унинг таянчи, унинг буюк келажагини таъминлайдиган куч ва иқтидорсиз. Ана шунинг учун ҳам сиз кўпроқ қунт билан ўқишингиз, илмуфан чўққиларини эгаллашингиз керак. Китоб эса бу йўлда сизларга мададкордир».

Ҳа, китоб ўз ўқувчиларини ҳамиша мақсадга етказган ва етказажак. Китоб ўқиб, билимдон бўлган кимса ҳеч қачон хор бўлмайди...

Энди мана бу китобни олайлик. «Информатика ва ҳисоблаш асослари техникаси». Бу дарсликни тожик китобхонлари яқиндагина қўлга олдилар. Ушбу китоб саккизинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда режалаштириш, ахборот йиғиш, ўзлаштириш, маълумотни ифодалаш йўллари ва электрон жадвал тўғрисидаги мавзуларга кенг ўрин берилган. Яъни, олдин қўлланиб келинган режалаштириш тушунчасига янгилик ва ўзгаришлар киритилган.

Юқорида келтирилган миссоллардан аёнки, «Ўзбекистон» нашриёти ва унинг байналмилал бўлими қошидаги тожик таҳририяти ходимлари кўпгина китобларни она тилимизга таржима қилганлар. Шу боис талабалар «Базабони модариамон меҳонем» — «Она тилимизда ўқияпмиз» деб фахрланмоқдалар.

Бу каби китоблар туркман, қирғиз, рус ва қозоқ тилларида ҳам нашр этилган. Бу дарсликларнинг барчасини республикамиз китоб омборларидан олишингиз мумкин.

Шавкат НИЁЗОВ.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясида халқимизнинг ўтмиши ҳамда бугунги кунини акс эттирувчи бадиий фильмлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Улардан бири яқинда суратга олинган «Ёлғиз ёдгорим» фильмидир.

Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси асосида суратга олинган мазкур фильмга Собир Назармуҳамедов режиссёрлик қилган. Ушбу лентада икки ёш ўртасидаги севги ва вафо, инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, қишлоқ одамларининг ҳаёти, ички кечинмалари акс эттирилади. Бош ролларни Теша Мўминов, Тожибой Норматов, Дилбар Икромова, Улуғбек Музаффаров ижро этган.

Республика киночилар уйида янги фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. «Ёлғиз ёдгорим» ижодкорлари фильмда миллийликка алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб, талабчан томошабиннинг дидига мос, қизиқарли ва таъсирли бўлишига умид билдирдилар.

(ЎзА).

«СЕН» ЯХШИМИ, «СИЗ»?

КУНДАЛИК турмушимизда, инсонлар ўртасидаги муомалада «Сен» ва «Сиз»чалик кўп ишлатиладиган сўз топилмаса керак. Ҳар куни эрта тонгдан уйқуга қадар бу сўзларни такрор ва такрор ишлатаверамиз. Хўш, биз ўзбеклар, қачон, қай вазиятда «сен» деймизу, қачон «сиз»?

Халқимизда «Сен» кўпроқ ёши кичик одамга, болаларга, оилада хотинга, энг яқин дўст ёки дугонага нисбатан қўлланади. «Сен»ни энг юқори поғонада яратган Худога нисбатан ишлатамиз. Масалан: «Э, Худо, ўзинг сақла», «Ўзингга шукр, ўзинг қувватла, ўзинг мадад бер», каби.

Демак, «Сен» Худога мурожаат қилинганда ёки энг юракка яқин дўстга нисбатан қўлланар экан.

Энди «Сиз»ни кўриб чиқайлик. «Сиз» кўпинча ёши катта одамга, нотаниш кишига, оилада эса ота-онага, эрга, лавозими юқори мартабали шахсга, ҳурматга лойиқ инсонларга мурожаат қилинганда, кўпроқ расмий муомалада ишлатилади. Овруполикларда «сен» сўзи «сиз»дан кўра қадрлироқдир.

Баъзан «сен» ва «сиз»нинг ўз ўрнида ишлатилмаганидан ҳаётда даҳанаки жанглар ҳам чиқиб туради (кўпинча автотранспортда):

— Сен мени сенлама, сендан ёшим катта.

— Сен «Сиз» дейишга арзимайсиз, — каби.

Ёки яқин муомаладаги дўстларнинг кутилмаганда «Сиз»дан «Сен»га ўтиши ҳам суҳбатдошини ноқулай ҳолатга солиб қўяди. Бу ҳол улар ўртасидаги илиқ муомаланинг дарз кетишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Одобинг — зийнатинг

Гоҳо оила қургунча бўлажак куёв бола ўз қайлиғини сизлаб, тўйдан бироз ўтгач, сенга ўтиши ҳам яхшилик аломати эмас. Халқимизда «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқибди», деган нақл бор. Қани, ўзбекларда Оврупо халқларидаги каби ота-онага фарзанди «сен»лаб мурожаат қилсин-чи?! Бундай ҳолни ҳар қандай ўзбек ота-она кўтаролмаса керак, лекин ота-онанинг ўз фарзандларини «сен»лаши одат тусига кирган. Фақат Фарғона водийсида болаларни «сиз»лаш одати бор, республикамизнинг бошқа жойларида болаларни эркалаганда кўпинча «сиз»га ўтилади. Баъзан «сен» ўрнига киноялы «сан» ёки «сиз»ни ҳам эшитиш мумкин. Бундай ҳолда гапдаги оҳанг ҳал қилувчи ўринга ўтади.

Тасаввур қилинг-ки, устоз ўз талабаларига, ўқувчиларига «сиз»лаб мурожаат қилса қандай яхши бўларди. Бу ҳол талабаларда ўз домласига нисбатан ҳурматни ошириш билан бирга талабаларда ўзларига ишонч, ҳурмат руҳини уйғотади. Бир-бирига «сен»лашиб мурожаат қиладиган ўртоқларнинг кўпчилик ўртасида, жамоада бир-бирини «сиз»лашгани маъқул, ўзлари ёлғиз қолганида, тор доирада ўзлари билади...

Мансабга кўтарилган кишининг илгари «сиз»лашиб юрган дўстига нисбатан кутилмаганда «сен»га ўтишини ҳам яхшилик аломати деб бўлмайди. Айниқса, «сен» кишилик олмошининг ҳақоратомуз «сен»га ўтиши жуда кўнгилсиз ҳолдир.

Кўриниб турибдики, ҳаётда «сен»нинг ҳам «сиз»нинг ҳам ўз ўрни бор экан. Фақат ўзбекона хушмуомалаликни йўқотмасдан уларни қай вазиятда, кимга нисбатан ва қандай оҳангда айтишга кўп нарса боғлиқ. Баъзан қуруқ, эҳтироссиз, ҳафсаласизлик билан айтилган «сиз»дан кўра юракдан чиққан «сен» афзалроқ кўринади. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам биз шарқона одоб-ахлоқни, ўзаро ҳурматни унутмаслигимиз керак, айниқса, халқимизнинг «Сен ҳам, Сиз ҳам бир оғиздан чиқади» деган нақлини асло эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
«Мулоқот» журнали бўлим мудири.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАИЛАНДЧА «ФАЛСАФАСИ»

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ХАЛҚДА бўш қоп тик турмайди, деган ибора бор. Ҳақ гап. Инсон учун қандай инъом берилмасин, у меҳнат қилмас экан, мўъжизавий табиат, иқлим, шароит ҳам унга рисоладагидек яшаш, энг муҳими, тараққиёт сари одим ташлаш имкониятини бермайди.

Биз таърифини келтирган ана шундай инъомларга эга бўлган таиландликлар ҳам буни яхши тушунишар экан, чоғи. Шунинг учун ҳам мамлакат ҳукумати, йирик-йирик корпорация ва компаниялар, хусусий ишбилармонлар ҳамиша узоқни кўзлаб иш кўрадилар. Сўнгги йилларда Таиланднинг Осиё мамлакатлари ўртасида анчагина жадаллик билан иқтисодий ривожланиб бораётганлигининг асоси ана шу таиландча «фалсафа»да бўлса, ажабмас.

Бугунги кунда Таиландни мослашувчан иқтисод асосида ривожланаётган мамлакат деб аташмоқда. Бунда экспорт иқтисодиётнинг бош ўзаги бўлиб хизмат қилмоқда. Тўғри, кейинги пайтда Осиё минтақасида рўй бераётган иқтисодий таназзул ва бўҳронлар бу мамлакатни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ана шу воқеалар Таиланд иқтисодига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Пулнинг қадрсизланиши ишлаб чиқаришнинг мўътадил ўсишига носоғлом таъсир ўтказди. Лекин, шунга қарамай, бўҳронлардан тезроқ чиқиш, мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш учун ҳукумат турли чора-тадбирларни кўрмоқда.



Таиланд тараққиёти ва иқтисодий ривожланишини таъминлашда яна бир масалага алоҳида ёндошилмоқда. Бу тамойил қўшни ва узоқ давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришдир. Биз Таиланд Қироллиги тижорат вазирининг муовини жаноб Пхантхиен Пхайякканитхи билан учрашганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, у Марказий Осиё минтақасида салмоқли ўринни эгалловчи Ўзбекистон билан бўлаётган ўзаро муносабатлардан Таиланд катта манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Биз бугунги кундаги алоқаларимизни етарли эмас, деб ҳисоблаймиз, — деди жаноб П. Пхайякканитхи. — Шунинг учун ҳам иқтисодий алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун ҳар иккала томонда ҳам катта имкониятлар мавжуд. Сўзсиз, бунда ахборот айрбошлаш, йирик компаниялар, корпорация ва концернларнинг бевосита келишувлари, айниқса, катта ўрин тутади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакатнинг имкониятлари, қуввати, салоҳиятини таъминлашда, уларни кенг ёйишда ахборотнинг салмоғи беқиёс. Таиланд ҳукумати, айниқса, бу масалага алоҳида эътибор беради. Ҳар йили Таиландда йирик-йирик халқаро кўргазмалар ва бошқа мулоқотларнинг мунтазам ўтказилиши ҳам ана шундай тадбирлардан бири.

Биз сафар давомида чарм маҳсулотлари «Бангкок-98» кўргазмасида иштирок этдик. Бу кўргазмада Италия, Буюк Британия, Япония, Франция, Россия сингари 12 мамлакатдан вакиллар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эдилар. Кўргазманинг моҳияти ва асосий вазифалари ҳақида тўхталар экан, тижорат вазирлигининг МДҲ давлатлари билан алоқалар менежери Сриватанна Кунбхакди жаноблари бу йилги кўргазмада Ўзбекистон вакилларининг иштирок этаётганликларига тўхталиб ўтганлигининг ўзиёқ Таиландда мамлакатимизга қизиқиш катталигини кўрсатиб турипти.

Маълумки, тери ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва экспорт қилиш бўйича Таиланд дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айниқса, тимсоҳ терисидан тайёрланган турли-туман маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳамиша харидоргир бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, Таиланд фирмалари ҳамиша изланадилар, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида қайғурадилар. Дунё бозорини ўрганадилар. Маркетинг хизмати тиним билмайди.

Заргарлик буюмлари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда ҳам Таиланд алоҳида мавқега эга. Биз сафаримиз давомида Бангкокдаги дунёда энг катта ҳисобланган заргарлик тижоратгоҳида ҳам бўлдик. Юксак дид билан ясалган минглаб турдаги заргарлик буюмлари киши кўзини қамаштиради. 0,6 гектар майдонни эгаллаган бу кўргазма залида Таиландда тайёрланган заргарлик буюмлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш, айни пайтда, харид қилиш мумкин. Бизга асосий заргарлик хомашёсининг мамлакат шимолий минтақасидан олинишини ва Чангмай шаҳрида ана шундай заргарлик галереяси фаолият кўрсатишини айтиб беришди.

Таиланд ишлаб чиқариши билан танишар эканмиз, шу нарсага амин бўлдикки, мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес таянч ҳисобланади. Давлат миқёсидаги йирик компаниялардан ташқари асосий ишлаб чиқариш бўғинларида 150-200, нари борса, 300га яқин киши меҳнат қилади. Масалан, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жаков» фирмасида 300 киши ишлайди. Бу фирма Таиландда биринчи бўлиб ўз маҳсулотини хорижга экспорт қила бошлаган корхона бўлиб, оилавий асосда бошқарилади. 70 йиллик тарихга эга фирманинг айни пайтда Англия, Италия, Франция сингари Оврупо мамлакатлари билан Лотин Америкасида ҳам харидорлари бор. Корхонанинг йиллик маҳсулот айланма ҳажми 4,5-5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бош шиор — фақат экспорт учун ишлаш.

— Мақсадимиз — жаҳон бозорида Таиланд маҳсулотлари нуфузини ошириш, — деди фирма раҳбари жаноб Жаков. — Бунинг учун маҳсулот сифатини яхшилаб бориш билан биргаликда дунёдаги ахборотлардан ва янгиликлардан хабардор бўлиб бориш зарур. Бугунги кунда фирмамизнинг жуда кўплаб хорижий давлатларда вакилликлари ва савдо уйлари мавжуд. Бангкокдаги дўконимизнинг асосий харидорлари ҳам хорижий сайёҳлар ҳисобланади. Буюртмалар қабул қиламиз. Айни пайтда Япония, Франция, Швейцария сингари мамлакатларга маҳсулот тайёрламоқдамиз.

Дарҳақиқат, сифат ва гўзаллик асосий мезон бу ерда. Бири биридан чиройли ва ўз кўркига эга бўлган аёллар сумкалари ва хилмахил маҳсулотлар кишини беихтиёр ўзига тортади.

Бор-йўғи 200 киши меҳнат қилаётган пойабзал фабрикасида ҳам ана шундай манзара кўзга ташланади. Бу ерда аёллар туфлилари, этиги ва болалар учун мўлжалланган кроссовкалар тайёрланади. Бир кунда минг жуфт ана шундай пойабзаллар ишлаб чиқарилади. Бу фабрика 100 фоиз маҳсулотини экспорт қилади. Асосий харидорлар — Англия, Франция, Россия ва Оврупо мамлакатлари. Йилига 2 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқараётган бу фабриканинг даромади 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бизга фабрика раҳбари жаноб Кханмайн жуда қизиқ бир нарсани айтиб берди. Гап шундаки, корхона харидорларнинг буюртмаси ва ўзи хоҳлаган дизайн бўйича ҳам истаган вақтда маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Бунинг учун, яъни фабрикани тўлиқ қайта мослаштириш ва жиҳозлаш учун бор-йўғи 36 соат кифоя қилар экан.

Биз Таиланддаги бундай корхоналарнинг фаолияти билан танишар эканмиз, юртбошимизнинг Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш келгуси тараққиётни белгилашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга масала эканлигини қайта-қайта таъкидлаётганликларининг мазмун моҳиятини тушуниб етдик. Биз юқорида айтган мослашувчан, янаям аниқроқ айтганда, эгилувчан Таиланд иқтисоди ва ишлаб чиқаришининг асосий ютуғи ҳам шу қоидада бўлса, ажабмас.

Бугунги кунда Таиланд нафақат пойабзал, тери ва чарм маҳсулотлари, балки, кенг миқёсда гуруч, табиий каучук, жўхори, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқармоқда ва экспорт қилмоқда. Умуман, Таиланд аграр-саноат юқори суръатларда ўсиб бораётган мамлакат ҳам саналади. Бу борада у Жанубий Корея, Тайван, Сингапур ва Янгонг давлатларига яқинлашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича Осиёнинг йирик экспортчиси айланмоқда.

Табиат инъом этган имкониятлар, бой боғ-роғлар, бананзорлар, мангозорлар, кокос ёнғоғи сингари кўплаб экинлар ҳосили нафақат табиий ҳолда, балки, қайта ишланган — консерва, шарбат, мураббо ва турли-туман ширинликлар ҳолида ҳам жаҳон бўйлаб машҳурдир. Ана шундай ишлаб чиқаришни ривожлантириб бораётган фирмалардан бири «Тайагрофуд» корхонасидир. 510 квадрат метр майдонни эгаллаган корхонада 2 минг киши ишлайди. Бу ерда балиқ ва денгиз маҳсулотларидан тортиб, барча турдаги мевасабзавотлар қайта ишланади. Франция, Англия, Олмония, Финляндия, ҳуллас, бутун Оврупо ва Америка ҳамда Осиё қитъасида «Тайагрофуд»нинг бир-биридан бежирим ва юксак дизайнга эга бўлган консервалари ва шарбатларини, балиқ ва балиқ маҳсулотларини учратиш мумкин. Фирманинг энг катта ютуғи дунё бозорида маҳсулотининг арзонлиги ва сифатлилигидир. Йиллик даромади 200 миллиард бат. Маҳсулотнинг 99 фоизини экспорт ташкил қилади.

Албатта, Таиландда аҳоли барча қатламларининг ҳаёти юксак даражада дейишдан йироқмиз. Бу мамлакатда ҳам табақаланиш мавжуд. Лекин, бу халқнинг энг муҳим жиҳати ҳаракатчанлиги, меҳнатсеварлиги бўлиб кўринди. Одамлар иложи борича яхшироқ яшаш учун интиладилар. Пировардида мамлакат тараққиётига ҳисса қўшадилар. Таиландликларнинг ана шу жиҳати ўрнак бўларли туюлди бизга.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.
(Давоми бор).



БОКС

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

ШУ йилнинг 4-10 декабрь кунлари вилоятимизнинг Ангрен шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ўктам Турдиалиев хотирасига бағишланган IV-анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Бу мусобақада республикамиздаги касб-ҳунарга йўналтирилган барча ўқув масканлари талабалари билан биргаликда Қозоғистон, Қирғизистон вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, ёш чарм-қўлқоп усталарининг рингдаги «жанг»лари қизғин ва муросасиз бўлди. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган У. Аҳмедов (54 килограмм), Ш. Маданов (63,5 килограмм), Ҳ. Ҳасанов (57 килограмм), С. Раҳматов (71 килограмм), Ж. Мирсамадов (75 килограмм), Ж. Раҳимов (91 килограмм)лар ўз вазнлари бўйича ғолиблик шоҳсупасига чиқишди. Натижада ўзбекистонликлар биринчи, Қозоғистон вакиллари эса иккинчи ўринларни эгаллашди. Қизиқарли томони шундаки, турнирда 1981-1982 йилларда туғилган ўспиринлар қатнашди. Эртанги кундаги умидли ва қобилиятли ёшларимиз спорт орқали юртимиз довруғини оламга ёйишига ҳеч шубҳа йўқ. Буни Ангрендаги мусобақа яна бир бор тасдиқлади.

Бу халқаро турнирга вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, шунингдек, Ангрен шаҳридаги қатор корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилишди.

Ғафур МУРОДОВ.

Об-ҳаво

КЕЧАЛАРИ ТУМАН ТУШАДИ

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутасаддиларининг берган маълумотига кўра, пойтахт ва Тошкент вилоятида 16-20 декабрь кунлари кечалари ва тонг саҳар пайтларида туман тушади. Айрим худудларда ёғингарчилик бўлади. Шамол эсиши шарқдан ғарб томонга ҳар сонияда 7-12 метр тезликни ташкил қилади. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража, кундуз кунлари эса 6-11 даража атрофида илиқ бўлади.

БАҲСНИ КУЧЛИЛАР ДАВОМ ЭТТИРАДИ

13th ASIAN GAMES BANGKOK 1998

БОКС

Сир эмаски, номдор боксчимиз Руслан Чагаев Осиё ўйинларининг олтин медалига асосий даъвогар сифатида тан олинмоқда. Ҳамюртимиз бу бежиз эмаслигини дастлабки учрашувдаёқ исботлади. У непаллик рақибини биринчи дақиқадаёқ нокаутга учратди.

Яна бир вакилимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев иккинчи учрашувда филиппинлик Галидо билан рингга чиқиб, уни кетма-кет икки марта нокдаунга учратди ва рақибидан мутлақ устунлигини намойиш этди.

Фақат бир вакилимиз, яъни Икром Бердиев имкониятни бой берди. Қолган тўққиз боксчимиз учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, ярим финалга чиқди.

КУРАШ

Грек-рим усулида курашиш бўйича вакилимиз Баҳодир Қурбонов ўзбекистонлик спортчиларнинг медаллар шодасига битта кумуш медал қўшди. Аслида у ўз вазн тоифасида Осиё ўйинлари ғолиби бўлиши мумкин эди. Бироқ беллашув тугашига саноқли сониялар қолганда кореялик рақибининг бир ҳол олдинга ўтиб олишига йўл қўйди. Ярим финалга йўлланма олиш мақсадида курашишни давом эттираётган полвонларимиздан Зафар Очилов, Аслиддин Худойбердиев, Шермуҳаммад Қўзиев ва Григорий Пульяевлар ҳам жамоамиз ҳисобидаги медаллар сонини кўпайтиришса ажаб эмас.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Ўзбекистонлик мухлисларнинг тажрибали спортчи Андрей Абдувалиевдан умидлари катта эди. Ҳақиқатан ҳам у улоқтирган босқон 77 метру 14 сантиметр узоқликка бориб тушди. Бироқ олтин медални япониялик Муроғучи илиб кетди. Ҳамюртимиз кумуш медал билан кифояланди. Аслида шундай нуфузли спорт анжуманида жамоасига кумуш медал олиб бериш ҳам катта ютуқ.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Бахтиёр Нуриллев республикамиз терма жамоаси бронза медалларини биттага кўпайтирди. У даст кўтаришда 347,5 килограмм ва силтаб кўтаришда 185 килограмм натижа кўрсатди.

ФУТБОЛ

Афсуски, чорак финалгача бўлган ўйинларни муваффақиятли ўтказган миллий жамоамиз кутилмаганда эронлик футболчиларга 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйиб, ватанига барвақт қайтишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, ярим финалда Қувайт, Таиланд, Хитой, Эрон жамоалари тўп сурадилар.

«Ўзжамоахўжалик қурилиши» республика давлат-кооператив бирлашмаси «Тошвилжамоахўжаликқурилиши» трестининг қуйидаги бўлинмалари

ТУГАТИЛАДИ:

Қибрай туманидаги 1-МПМК;
Зангиота туманидаги 456-МПМК;
Тошкент туманидаги 457-МПМК;
Янгийўл туманидаги 514-МСПМК;
Пскент шаҳридаги СУММ;
Тошкент шаҳридаги трестга қарашли МУПТК;
Зангиота туманидаги ИТБ.

Даъволар эълон чиққан кундан кейин бир ой давомида қабул қилинади.

Очиқ турдаги «Чирчиққурилиш» Ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги 5-сон шаҳобча (МКК-277), 8-сон шаҳобча-хўжалик ҳисобидаги кичик механизация бошқармаси (ХУММ) ва 10-сон шаҳобча — ишлаб чиқариш — технологик бутлаш бошқармаси (УПТК)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0595. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 7.856 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6